

БОРБАД – ШАРҚ МУСИҚА САНЬЯТИ АСОСЧИЛАРИДАН БИРИ

Қ. Раҳимов

(Урганч ДПИ)

Аннотация:

Мақолада VI – VII асрларда яшаб ижод этган машхур шоир, созанда, бастакор, ҳофиз ва раққос Борбад ҳамда унинг ижоди ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Калит сўзлар: Суруд, барбад, Баҳибат, Паҳлапаз, Фаҳибаз, Борид.

Шеъриятимиз офтоби – даҳо шоир Алишер Навоий асарларини мутолааа этганда, борбатнавоз ҳақидаги гўзал байтларга кўзимиз тушади:

Куёш чехралик шўхи барбатнавоз,
Ки жон риштаси тор анга чалса соз...
Бовужуди жамоли фитнафидан,
Бор этмиш хушнавою барбатзан...

Ҳар гал Рудакий, Фирдавсий, Ибн Сино, Низомий, Жомий сингари улуғ санъаткорлар асарларини ўқиганда “Суруди Борбад”, “Борбад оҳанги”, “Борбад усули”, “Борбадона тарона” сингари сўз ва ибораларга дуч келамиз. Ана шундай кезларда “Борбад ким?”, “Бу қандай оҳанг бўлди?” каби саволлар ақлни банд қиласди. Биз ҳам жумбоқни ечмоқ учун кўп кўхна манбаларни, қомусларни варақладик, шарқшунос ва мусиқашуносларнинг асарларини ўқиб чиқдик ва ниҳоят тўплаганларимизни, ўрганганларимизни дўстлар билан баҳам кўришни лозим топдик.

Борбад Шарқда биринчи касбий мусиқашунос, бастакор, ҳофиз ва шоир бўлган. У тахминан 585-йили Нисода дунёга келган. Бўлажак бастакор Араб ва Ажам мамлакатларида мадрасаларда таълим олган. Йигитлик йилларида ёқ ҳалқ қуйларини маҳорат билан ижро этиш ҳамда кўшиқ айтишда ном чиқарган. Замонасининг ҳукмронлари ёш ҳофизни саройга жалб этишга интиладилар. Эрон шаҳаншохи Хусрав Парвиз уни саройга даъват этиб, созанда ва ҳофизларга сардор килиб тайинлайди. Борбад саройдаги ортиқча базм-дабдабалар, беҳуда уруш-юришларга қарамай, ижодий ишлар билан жиддий шуғулланади, ёш ҳофиз мусиқачилар тарбиясига алоҳида эътибор беради. Сосонийлар сулоласи даврида этишган машхур созандалар Некисо Чангий Бомшод, Озодвор Чангий, Гесон Навогар, Саркаш ва Сакраб бевосита ёки билвосита Борбад шогирдлари хисобланадилар. Борбад оҳангсоз ва ҳофизгина бўлиб қолмай, истеъдодли шоир ҳам бўлган. Унинг аксарият қуйлари ўз шеърлари матнига ёзилган. Ўша даврдаги хижоли (бармоқ вазнига яқин) янги шеърий шакл ихтирочиси ҳам Борбад бўлган.

Табиатан шоир, созанда, бастакор, ҳофиз ва раққос бўлган Борбад ижодининг илк онларидан бошлабоқ асарларида табиат кўрки, Наврӯзning бетакрор чиройи, ҳаёт нашидасини қуйлашга, ифодалашга интилган. Бастакор ижодининг тадқиқотчилари унинг “Наврӯзи Бўзгур”, “Гулзор”, “Сабз баҳор”, “Роҳи гул”, “Ороиши хуршеди моҳ”, “Абҳари куян”, “Равшанчароғ”, “Полизбон”, “Дилангизон” сингари асарларида бевосита табиат гўзаллигини акс этганлигини уқтирадилар. У ҳафтанинг етти кунига нисбат бериб, “Хусравоний” оҳанглар тўпламини, ойнинг 30 кунига қиёслаб ўттиз лахн (куй, мақом йўлини), йилнинг 360 кунига бағишлаб шунча тарона яратган. Борбад яратган куй ва тароналар бизнинг замонамизгача айнан ўзгаришсиз етиб келган, ҳалқ

томонидан куйланиб, китобга кўчиб келмоқда. Мусиқашуносларнинг аниқлашларича, Борбад ихтиро этган барбад мусика асбоби, “Зефарқанд”, “Нуҳуфт”, “Рост”, “Наврӯз”, “Оромиши жон”, “Дарғам” “Гулнўш” каби куй ва тароналари араб ҳамда усмоний турк созандалари, оркестр ва ансамбллари репертуаридан ҳамон мустаҳкам ўрин эгаллаб келмоқда. Барбат ўрдак кўксига ўхшаган қалта гарданли чолғу асбоби бўлиб, бам, мусаллас, муссано, зер деб аталувчи тўрт тордан иборат бўлган. Кейинчалик Залзал Розий, Ишоқ Мавсилий (VIII – IX асрлар), Исо Барбатий (XI аср) ва бошқа созанда, бастакор, мусиқашунослар барбатнинг тор ва пардаларини, усул ва шаклини такомиллаштирганлар. Бастакорнинг араб мамлакатларида Баҳибат, Паҳлапаз ва Фаҳибаз, Борид таҳаллуслари билан кенг шуҳрат қозониши ҳам шундан далолат беради. Борбад мусиқий мажмуалардаги барча кўшиқ матнларни ўзи ижод этган. Шарқ мусиқий билими донишмандларининг уқтиришларича “Яздон офарид”, “Сабзори сабз”, “Партави фарҳор”, “Кини Сиёвуш”, “Боги Шаҳриёр”, “Шабдиз” сингари мавсум ва маросим кўшиқлари ана шулар жумласидандир. Бу асарларнинг айримлари Шарқ мусиқасининг шоҳ асарлари бўлмиш “Дувоздаҳ мақом”, “Шашмақом”, “Ҳафт дастгоҳ”, “Ҳафтмақом”, “Наврӯзи Бозгур”, “Наврӯзи Ажам”, “Наврӯзи хоро” мақом йўлларида бевосита давом этмоқда.

IX асрнинг машхур олими, ёзувчи ва шоир Абу Мансур Саъолибий ҳам ўзининг араб тилида ёзган “Шоҳнома” сининг “Борбад қиссаси” деган маҳсус бобида бу бастакор ҳақида ибратли фикрлар айтган. Низомий Ганжавий “Хусрав ва Ширин” достонида Борбаднинг бастакорлик маҳоратини таърифлашдан ташқари Ширин тилидан Некисонинг бир ғазали ва уч сурудини, Хусрав тилидан Борбаднинг бир ғазал, уч сурудини келтиради. Амир Хусрав Дехлавий бўлса, “Ширин ва Хусрав” достонида бу устоз ва шогирдни бекиёс созанда, ҳофиз ва шоир сифатида таърифлайди.

Узок айрилиқдан сўнг яна Хусрав висолига эришган Ширин саройида катта тантана уюштиради:

Даромад Борбад танбур дар даст,
Пиёла нўш карди шод биншаст.
Дар он чолиб Некисо оҳанг,
Бихорид аз сарираги чанг.

(Қўлида танбури билан Борбад кириб келди, пиёлани бўшатиб, шоду хуррам ўтириди. Бир томонда хушоҳанг Некисо чанг торларини нохун билан китиқлай бошлади... Амир Хусрав Дехлавий, Осори мунтаҳаб чилди якўм “Ирфон” Душанбе. 1971, 15 бет). Дехлавий достонида Хусрав тилидан Борбаднинг икки ғазали, “Ироқ” оҳангига бир таронаси ва бир нағмасини; Ширин тилидан Некисонинг “Ҳижоз” оҳангига бир таронаси, бир ҳазали ва бир сурудини келтиради. Шоир ўзининг мусика ҳақидаги рисоласида ҳам Борбадни ажойиб созанда ва ҳофиз сифатида алоҳида эъзозлайди. Бу бадиий тасвиirlар Борбаднинг жаҳоний шуҳрат ва эътирофга соҳиб бўлган бастакорлигини кўрсатади. Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достонини эркин таржима қилган шоир Қутуб шундай деб ёzádi:

Тузуб ул бориб барбатта оҳанг,
Некисо ҳам бу ёнда хуш тузуб чанг.
Буларнинг хуш навосин танглаю шоҳ,
Қилур ҳар дам кўнгилдин хушланиб оҳ.
Димоғинда йиъакдин тўлуб овоз,
Кулогинда кечурмиш ҳалқаи роз.

Фавқулодда истеъдод соҳиби, Шарқ халқлари мусиқасининг асосчиси деб улуғланадиган Борбад ижоди жиддий ўрганиш ва тарғиб этишга лойиқдир. Зероки, у халқ оҳангларидан файз туйиб касбий мусиқани бошлаб берган, ижодкорликни ижрочилик билан узвий боғлаган санъаткор ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Фирдавсий, Шоҳнома, III китоб. Ҳофиз Борбад қиссаси (Ж. Жабборов таржимаси), Т., 1977.
2. Борбад, эпоха и традиции культуры, Сб. Статей), Душанбе, 1989.